

Ислом Азимхон

СЕВГИ ФАСЛИ

Шеърлар

МАЖБУРИЙ
НУСХА



ЯНГИ АСР АВЛОДИ

Тошкент
2014

УЎК: 821.512.133-1

КБК: 84(5Ў)7 - *Ўзб. адаб.*

А - 37

Азимхон, Ислон

Севги фасли: шеърлар / И. Азимхон. – Т.: «Янги аср авлоди», 2014.
– 56 б.

ISBN 978-9943-27-211-8

Ушбу тўпламдаги шеърлар мухаббат хақида, Шонр Ватанга, дустга,
ёрга, табиатга бўлган чексиз меҳрини ўзига хос жўшқинлик билан
ифодалайди.

Ижодкорни изланишдан, ўқиб ўрганишдан тўхтамасликка ундаб,
унга ижодий парвозлар тилаб қоламиз.

УЎК: 821.512.133-1

КБК: 84(5Ў)7

ISBN 978-9943-27-211-8

© Ислон Азимхон. «Севги фасли». «Янги аср авлоди», 2014 йил.

2014/18
А
1536

10 42345
081

ИЛК ҚАДАМ

Исломов Азим (Ислом Азимхон) эндигина шеърятга, адабиётга кириб келаётган ёш қаламкашларимиздан бири. Унинг ижод намуналарида юртга садоқат, ота-онага юксак меҳр, дўстликка вафо туйғулари содда, самимий сатрларда битилади. Айниқса, ёш қалб учун севги фаслининг барқ уриб яшнаши, юракдан чиқиб келаётган ҳар бир сўз муҳаббат онидан сармаст бўлиб секингина сатрларга сингади. Ошиқ юрак барибир севишдан тўхтамайди. Бундай туйғу ёшликнинг оловланган пайтини эслатади. Тўғри, Азимхон ҳали ўз устида, шеър услубини танлашда, энг муҳими, ўз йўлини топишда кўп меҳнат қилиши керак. Ўзбек мумтоз адабиётини пухта ўрганиб, замон адабиётига мослаб қалам тебратиш ёш шоир укамизга улкан ютуқлар келтиришига ишонаман. Шу билан бирга, жаҳон адабиёти намуналаридан бохабар бўлиш ҳам ҳар бир ижодкорнинг вазифаси, деб ўйлайман.

Ислом Азимхон Сурхондарё вилоятининг Қумқўрган туманидаги Қарсоқли шаҳарчасидан. Азимхоннинг шеърлари бора-бора мукаммаллашади. Унинг ижод бўстонида ташрифи келажакда эл суйган шоир бўлишига ишора бераётганига гувоҳман.

Низом НОРҚОБИЛ, шоир

АРМОН БЎЛГАН СЕВГИ

Ҳамон ёдимдадир бахтли кунларим,
Менга таниш бўлган ўша кечалар.
Сенинг билан бедор ўтган тунларим,
Кўз олдимдан кетмас ўша арчалар.

Мактаб ҳовлисига секин қадамлар
Босиб мен тарафга келардинг маъюс.
Энг ширин тотлидир ўтказган дамлар,
Кўзга қараб энди чиқолмайди юз.

Орзуларим бўлди дарду ситамлар,
Қараб узолмасдик бир-биримиздан кўз.
Бўлардинг дардимга ўзинг малҳамлар,
Қалбим ёритишга топардинг сен сўз.

Арча кўчангга дил боғланиб қолди,
Ўша йўллар энди бегона бўлди.
Армон бўлди севги, айро чанг солди,
Гўзалим ошиғинг девона бўлди.

Учрашув жойимиз тушиб ёдимга,
Тунлари изладим сенинг қўлингни.
Дунёлар титради қилган додимга,
Соғиндим жуда ҳам ўтли бўсангни.

Юрагим дукиллар гўзалим дея,
Сен ўзга бағрига шайландинг жоним.
Энди ким ўпади жонгинам дея,
Ўзганинг ёрига айландинг, жоним.

ҲАЁТ СИНОВЛИ

Тақдирим не бўлар, ҳар сония ўйлайман,
Ҳар куни тунлари ой юзига боқиб.
Ўйларим тугамас минг бор ўйласам ҳам,
Фақат азоблайман қалбимни билсам.

Ҳар онда келади тилга ечимас савол,
Инсон нечун яшар, нега берилди ҳаёт.
Кимдир савоб билан, кимдир вақтлари увол,
Кимдир қадрин билди, кимда ўткинчи хаёл.

Ҳаёт йўлларида турли-туман йўللар бор.
Адашмоқ бир лаҳза – жарликлар йўлимизда.
Дўстман деб оёқдан чалувчилар бор,
Баъзан кетмоқ қийин, қайтмоқ ўз қўлимизда.

Баъзида кўнгил ҳам бизни алдаб қўяди,
Суйдириб маст қилар, ақл лолу телба ҳол.
Висолга етишмоқ – армон багринг ўяди,
Асирига тортиб кетар баъзида хаёл.

Адашар инсон йўлларда бўлиб сарсон,
Гоҳо тақдир ишон дейди, гоҳида ёлгон.
Дўст-ёрлар бирлашиб қилса баъзан хиёнат,
Юрагинг ёнаркан, танангда кучли ҳарорат.

Гўзалдир муҳаббат, аммо оғриқли азобдир,
Севмайман десанг ҳам қалбинг олар боқиб сир.
Ёрнинг хиёнати кечирилмас гуноҳдир,
Дўстнинг душманлиги дилда қолар барибир.

Ҳаммаси тугамас бир синов, ҳаёт синовини...

ОБОД ЮРТ

Бир юрт бор – осмонида ой кўринар,
Ўзбекистонга қадам қўйсанг гар
Оёгинг олтинга минг бор суринар,
Олтиндан қимматдир тупроқ мунаввар.
Хукмрон эркинлик, бу юрт озод юрт,
Юрталар ичра бу юрт суюк, обод юрт.

Кипригини посбон қилган тинчлик деб,
Ўз жонидан ортиқ билган Ватанни.
Унга жон бермоқни олий бурчи деб,
Юртга фидо қилди ҳаттоки танни.
Фидойи аждодлар қурган озод юрт,
Меҳрдан бино бўлди бу обод юрт.

Ҳар қадамда шаҳар гўзал, тенгсиздир,
Кўзинг қамашади ҳусни қилар лол.
Томчидан йиғилган бугун денгиздир,
Боболар меҳнати сингган бу диёр.
Табаррук излар қолган озод юрт,
Бугун бўлди гўзал бу обод юрт.

Сенда камол топди қанча сиймолар,
Ўтди уламолар, ўтди султонлар.
Киндик қон тўкилган ерни авайланг,
Ватан азиз, улуг маскан деганлар.
Шу азиз масканим, яшна озод юрт,
Халқи хизматига ташна обод юрт.

ЖОНДАН АЗИЗ ЮРТИМ

Кўксидан нур сочган тенгсиз чамансан,
Юзида зиёлар чексиз таралган.
Кўздан зиёд асрай, қарогимдасан,
Ҳар нарсадан устун севдим сани ман.
Улуғсан – шуҳрати кўкка етгудек,
Бошинг узра доим қуёш порлагай.

Мард, жасур ўғлинг бор, содиқ посбондир,
Кўриқлар, бир дам ҳам кетмас қошингдан.
Жондан азийт севар юртин инсонлар,
Асрагайдир доим туриб бошингга.
Улуғсан – шуҳратинг кўкка етгудек,
Бошинг узра доим қуёш порлагай.

Ишқингда ўт бўлсин, олов бўлсин тан,
Сенда она меҳри, тафти мужассам.
Саждагоҳ аталган муқаддас Ватан,
Тўмарис сиймоси сенда мужассам.
Улуғсан – шуҳратинг кўкка етгудек,
Бошинг узра доим қуёш порлагай.

Томирда қон, дилда севги жўш урган,
Боболарим қўлида жон тиргак турган.
Душманларга кўкси қалқон тик келган,
Қанча йиллар уқубатларни кўрган.
Улуғсан – шуҳрати кўкка етгудек,
Бошинг узра доим қуёш порлагай.

Сергак аскарларинг – тинчдир кошонанг,
Ҳар ишда Темурбек шаҳти кўринар.

Ватанпарвар халқим меҳнатин тўқар,
Тогдан мустаҳкамдир сенинг ироданг.
Улуғсан – шуҳрати кўкка етгудек,
Бошинг узра доим қуёш порлагай.

Табаррук она ер дея не зотлар,
Ватан хокини кўзга суртганлар.
Нажмиддин Кубролар оташ бўлганлар,
Алломишлар халқин гамин еганлар.
Улуғсан – шуҳрати кўкка егудек,
Бошинг узра доим қуёш порлагай.

Илму урфонга қўргон бўлгайсан,
Жону жаҳоним сен ўзинг Ватан.
Ўзинг саждагоҳсан мен учун Ватан,
Жаннатнинг хуснидан чирой олгансан.
Улуғсан – шуҳрати кўкка етгудек,
Бошинг узра доим қуёш порлагай.

АРМОНЛИ СЕВГИ

Вужудим ёнмоқда, ичимда чўг бор,
Энтикиб боряпман ўзимни билмай.
Бўйсунмас бу кўнгил, дунё кўзга тор,
Ўксиниб бир сўзни айтмоқда такрор.

Армон бўлди висол – кўрмоқлик маҳол,
Қора тунларни ёдимга солар.
Аксинг кетмай қолди кўзимда яққол,
Рангим сомон этдинг сен нозик ниҳол.

Ўзим ҳам тушунмай қолдим ўзимга,
Гўё сеҳрадинг қараб кўзимга.
Оташин севгини солдинг қалбимга,
Олов ёқдинг ишқдан босиб бағрингга.

Шунчалар ҳам бағринг тафти чўгмиди,
Куйдирди танамни баланд ҳарорат.
Қошинг камон, киприкларинг ўқмиди,
Қалбим нишон қилди ушбу жароҳат.

Жароҳат тузалмас ўтли бўясасиз,
Дилнинг давоси ўзинг гўзал қиз,
Юрак ором топмас сенинг сўзингсиз,
Дунё ҳам қоронғу, жоним, ўзингсиз.

Лабларим излайди гунча лабингни,
Бўса истаб умид илинжида зор.
Ташна бўлдим сенга ўйлаб ўзингни,
Висола соғинчида тунлар ҳам бедор.

Қоронғу тундайин кун ҳам қорадир,
Зулатдир ҳар оқшом, тонг ҳам татимас.
Изингдан ҳар қадам хаёл борадир,
Ёдингсиз бир кун ҳам кундайин ўтмас.

Гоҳо гулга қўйсам лабимни бирдам,
Қизил гуллар аммо сендайин ўпмас.
Аtringни қидирсам бир боғ гуллардан,
Тополмайман аtring, дил ором олмас.

Бир онни қидирдим қанча йиллардан,
Бир дамга минг кун ҳам ҳеч ҳам тенг келмас.
Кўзингни қидирдим минглаб қизлардан,
Кўзлари гўзалу лек кўнгила тўлмас.

Бир сенга урарди юрак уриши,
Қувончу шодлиги фақат сен эдинг.
Хатто шундан эди юзим кулиши,
Кулгуларни менга бегона этдинг.

Шунча осонмиди севгинг сўниши,
Ногоҳ мендан қайга йироқлаб кетдинг.
Тушга ҳам кирмасди бундай бўлиши,
Меҳр тўла кўздан ёшларни тўқдинг.

Эслатар азоблар ойнаинг тўлиши,
Қалбдан ишқни олиб ҳижронни ёқдинг.
Керакмиди Азим чил-чил синиши,
Ноҳақ мендан кечиб ўзгага кетдинг.

Тўхтамайди ҳеч ҳам кўнгил нолиши,
Ишонтириб юриб бошимни эгдинг.
Аниқ энди умрим баргдек қуриши,
Хазондек тўкилиб гулдек сўлиши.

Кўзларим тупроққа тўлсин майлига,
Хавотирга солмас куним тўлиши.
Сўнгни бор чиқайлик севги сайлига,
Розиман, ўлмоқ ҳам тақдирнинг иши.

Сўнгни бор сўзлашсин нигоҳлар майин,
Бир лаҳза унутай гаму қайгуни.
Сафарим оз қолиб йўл бўлса тайин,
Сўнгра олиб кетгум ишқни, қайгуни.

Адо қилмоқдадир соғинч кун сайин,
Қонсин юрак майли, бирпас бўлса ҳам.
Сўнгни сўзларимни сенга айтайин,
Розиман, бўғзимга сўнг жон тўлса ҳам.

Бўғзимда қолмасин титраб сўзларим,
Мен билан қабримга қайтмасин армон.
Очилмасин сени излаб кўзларим,
Рухим бўзламасин йиглаб сен томон.

Қалбингни эзмасин менинг ёзганим,
Эрмакдек чўзилди бугун дафтарим.
Ҳеч бўлмаса қолсин ўланда сўзларим,
Эсларсан руҳ кетиб, қолганда таним.

Бир савол дилимни қийнайди ҳамон,
Сен ҳам мендек ёниб севганмикинсан.
Бир куни ҳаётим бўлганда тамом,
Бир бор қабрим узра йиғлармикинсан.

Аmmo у дамларда мен йўқ бўламан,
Агар эсламасанг ошиғинг бир бор.
Минг бор тириламан, минг бор ўламан,
Ҳеч бўлмаса руҳга бўлгин мадакдор.

Мен Фарҳод бўлдим у Ширин бўлмадинг,
Шунча ялинсам ҳам бир бор келмадинг.
Ўзга қучогида бугун яйрадинг,
Севганинг бағрида ойдек тўлмадинг.

Ширин Фарҳодини ёниб севгани,
Сен эса эъзозлаб кейин алдадинг.
Мажнун Лайлисига жонин бергани,
Жонинг берма, ҳатто вафо қилмадинг.

Сенга берган севгим пулга сотилди,
Оташ муҳаббатим наҳот кўрмадинг.
Қўлларингда севгим пулга сотилди,
Сен бойни танладинг, ёрим бўлмадинг.

Чексиз меҳрларим ёки каммиди,
Кадрим арзонмиди, ёрга сотилди.
Ниятинг шунчаки ширин даммиди,
Дунёни кўзлабсан, кўксим ўйилди.

Жоним фидо бўлсин майли йўлингга,
Тобонингла босгин багирларимни.
Розиман ўлишга сенинг қўлингга,
Ишқ ўти куйдирди нафасларимни.

Сўнгги нафасларим олгунга қадар,
Бир оз тўйиб олай ширин васлингдан.
Бўлмасин ўйингда руҳим дарбадар,
Тириклайин ўлдим сенинг дастингдан.

Сенинг дастингдан мен бўлдим девона,
Севги деб ўтишди Лайли, Фарҳодлар.
Барча орзуларим бўлди афсона,
Кўксимда муҳаббат қилади додлар.

Насиб этармикин васлингга қонмоқ,
Юрагим тинмайин сени сўроқлар.
Пешонамда борми бир умр ёнмоқ,
Наҳотки қисматим сени йироқлар.

Тоабад кўрмайин ўтаманми ё,
Оҳларимга бардош беролмас тоғлар.
Дардларим ичимга ютаманми ё,
Шу армон, шу ўкинч дилимни доғлар.

МУҲАББАТ ГУЛШАНИ

Бир лаҳзада кўзим равшан бўлди юзинг нуридин,
Қалбимни забт этдинг, эгалладинг кўнглим тўридин.
Дунё гўзаллигин кўрдим сенинг кўзинг дуридин,
Муҳаббат гулшанин сайр этдим сен бирла йўлидин.

Муҳаббат гулшанин сайр этмаган одам бўлмагай,
Ҳеч кишини севги дилин яро қилмай қўймагай.
Одамзод борки, ишқнинг туйғуси ҳеч ҳам ўлмагай,
Мажнундек севдиму ўзга тутди Лайлим қўлидин.

Қиё боқиб ошиқ этдинг, зулфинг ила бойландим,
Жафо қилдинг, хиёнатдан мен телбага айландим.
Хатто соғинч фироқида ўлмоқликка шайландим,
Насиб этди менга муҳаббат гулшани чўлидин.

Гулшан аро гул кўрдиму унга оҳ, етолмадим,
Гулнинг атри маст айлади, ортга қайта олмадим.
Чўлларида қолдим, сўзим ёрга айта олмадим,
Сўнгги сўзим бўғзим ичра ёнар ҳижрон ўтидин.

Сенинг васлинг кутиб ўтгум сабрим тамом бўлгунча,
Сенга бўлган севгим сўнмас кўз тупроққа тўлгунча.
Севаман, севаман танамдан руҳ кетиб бўлгунча,
Ўлсам ҳам руҳ йиғлар излаб муҳаббат гулшанидин.

СЕВДИМ МЕН ТАНҲО

Ёногинг гулдайин чақнар бир зиё,
Кўрмагандим сендек фариштани ё.
Ақлимни лол қилди сендаги ҳаё,
Бу дунёда сени севдим-ку танҳо.

Йўлларимда кўпдир гўзалу лайло,
Аммо сендек эмас кўзлари шахло.
Сен бўлдинг ҳаётим, қалбимда пайдо,
Бу дунёда сени севдим-ку танҳо.

Лаблари гунчасан, қошлари қаро,
Битта боқиш ила қилдингку шайдо.
Энди кетиб қилма кўнглимни яро,
Бу дунёда сени севдим-ку танҳо.

Ғам-гуссада қолдим азобда гоҳо,
Сенинг сўзларингдан топдим мен шифо.
Сендан бошқа мени тузатмас асло,
Бу дунёда сени севдим-ку танҳо.

Сендек қизни менга айлади ато,
Ҳеч ҳам хоҳламайман қилишни хато.
Бошимга келмасин айродек бало,
Бу дунёда сени севдим-ку танҳо.

Кўнглимнинг малҳами, келгин эй, зебо,
Бир бор бўса олай лабларингдан, оҳ.
Мен сени асрайман ўлгунимча то,
Бу дунёда сени севдим-ку танҳо.

Келгин эй, ошигинг қилмагин адо,
Қалбимни тиглайди ох, муҳаббат то.
Бизни учраштирди боглари аро,
Бу дунёда сени севдим-ку танхо.

Муҳаббат боғига бир кирмаганлар,
Севиб ёр қўлидан бир тутмаганлар.
Армондан юраги қилади нидо,
Мен ҳам шулар каби бўлмайин гадо.

ДУНЁ

Бу дунё аслида ўткинчи, рўё,
Бир тушдек ўтади умр ҳам гўё.
Бойлик орзусига бўлма маҳлиё,
Бошингдан хуш кетар, қолмайди ҳаё.

ЮРТИМ, МЕҲРИНГГА ҚОНАЙ

Ватан табаррукдир, тилдан тушмагай,
Сенинг учун борим қўлдан тушмагай.
Келажак фарзандинг, содиқ ўглингман,
Меҳрларим дарё, дилдан тушмагай.
Юртим, ишқингда мен ёниб ўтайин,
Бир умр меҳрингга қониб ўтайин.

Йилларга эргашиб йиллар ўтдилар,
Ватанимни асраб беклар ўтдилар.
Қанча маконингда шерлар ўтдилар,
Улардек хизматинг қилайин мен ҳам.
Юртим, ишқингда ёниб ўтайин,
Бир умр меҳрингга қониб ўтайин.

Ҳамиша бошингда бахтинг тилайин,
Меҳрингга арзирли одам бўлайин.
Бундан-да яшнашинг доим кўрайин,
Толенггни кўрсин фарзандларим ҳам.
Юртим, ишқингда ёниб ўтайин,
Бир умр меҳрингга қониб ўтайин.

Бир кун аъмолимни менадан сўрсалар,
Аввал остонамга сажда этайин,
Сўнгги нафасда ҳам имкон берсалар,
Ватан, сенга нафим тегиб кетайин.
Қарогим устида азиз тутайин,
Тупрогинг кўзимга минг бор суртайин.

Сўрасанг жон берай – тайёр турайин,
Мардларинг кўпайсин кун ўтган сайин.
Менинг ўтмогим рост, манзилим тайин,
Менадан қолганларга асрасин ҳар дам.
Юртим, ишқингда ёниб ўтайин,
Кетсам ҳам меҳрингга қониб ўтайин.

ДИЛ СЎЗИ

Кўзларим тушди-ю сенинг кўзингга,
Тўхтади юрагим уришдан бирдам.
Дунёни унутдим қараб ҳуснингга,
Ҳис этдим яшашни сен билан шу дам.

Сен борсан ёнимда – умрим маъноли,
Ширин сўзларингдан олиб мен малҳам.
Висолга етмоқни хаёл сурган чоғ,
Кўнглимда умидим ёниб турган шам.

Қайда юрмай юзинг кетмас кўзимдан,
Кулсанг дунё ҳам гўё эриб кетади.
Кўз олдимда васлинг чирой очади,
Найза киприкларинг асир этади.

Гўзалсан, дунёда ўзинг ягона,
Юлдузлар шоҳисан бутун самода.
Сен ўзинг сулувсан ёруғ жаҳонда,
Зухролар уялар кўриб шу онда.

Кўзларим тушди-ю сенинг кўзингга,
Тўхтади юрагим уришдан бирдам.
Дунёни унутдим қараб ҳуснингга,
Ҳис этдим яшашни сен билан шу дам.

ДУСТ

Ишондим, талпиндим унинг бағрига,
Малҳам бўлган ҳар он юрак дардига.
Чидолмасман агар тақдир шартига,
Дўстим дея босган у юрагига.

Кўзларимга қараб билган ғамларим,
Эътиборга олмас менинг камларим.
Ёнимда турган у огир дамларим,
Сўзларидан таскин топган юрагим.

Қайғули пайтларда мени кулдирган,
Суянган тоғим у кўзим яшнатган.
Уйимни қувончга доим тўлдирган,
Кўнглимнинг эгаси — дилда яшаган.

СУРХОН ҚИЗИ

Бог оралаб юрган эдим оху кўрдим,
Нигоҳлари ўйди дилни ошиқ бўлдим.
Сурхон қизи ўғирлади юрагимни,
Теккизмагин энди ерга курагимни.

Ошиқ бўлган гулим, гуллар сарасидир,
Ноз қилиши ошиқ дилнинг ярасидир.
Бир кулиши ой чиқишин дарагидир,
Сароб этма энди санам тилагимни.

Бог яшнади сенинг ҳусну жамолингдан,
Ақлим лолдир гўзал, сенинг камолингдан.
Гул сиймоси кўринади қоматингдан,
Сурхонимга келди излаб керагимни.

Ёлвораман чиққин бир-бир кўчанга жон,
Интизорман бир кўришга кўзим гирён.
Кўрсат ойдек юзларингни, севдим жонон,
Сароб этма сурхон қизи тилагимни.

ХАЁЛ

Гўзал хаёллардан қутилиш мушкул,
Тушундим мен дилим қолганида лол.
Кўнглим эгаллади оғирлаб буткул,
Оламин тарк этиш бўлди-ку маҳол.

Шу ҳисга чин дилдан берилдимми кўп,
Юрагим тез урар туйғулардан маст.
Юрибман гўзалнинг қўлидан тутиб,
Бир зум қарогидан қутилиб бўлмас.

Атрофга қарасам ёлгон хаёлга,
Асир бўлибманку бу қандайин ҳол.
Етолмайман асло ўнгда гўзалга,
Дилгинамни ҳеч ҳам тинч қўймас хаёл.

ДЎСТ АЙЛАДИМ ҚАЛАМНИ

Ичда сақлаб бўлмас қайғу, гамларни,
Йиғлаюрман исминг айтиб фалакка.
Унутиб ҳам бўлмас ширин дамларни,
Жоним, тўлиб кетди армон юракка.

Ўчирмагин қалбда ёнган шамларни,
Етолмадим бир бор орзу-тилакка.
Артишдан толаман кўзда намларни,
Аламларда қолдим ёлғизман, якка.

Меҳримни бергандим жон ила қўшиб,
Сендан олдим фақат ўчмас аламни.
Алам-ла ёзаман юракдан жўшиб,
Дўст айладим қоғоз билан қаламни.

АЙРИЛМАСМИДИК

Бир дард юрагимни кемириб ютар,
Ёдингдами бахтдан мастона эдик.
Қалбимга шу дардим тикондек ботар,
Ишқ деб ёнсак балки айрилмасмидик.

Чексиз зулмат бирла тонгларим отар,
Дилимни ёндирад ўтларда соғинч.
Шу ўтдан дилгинам чиқолмай ётар,
Қийнайди вужудим, емирад ўтинч.

Юрардик иккимиз Лайли Мажнундек,
Кечириб бўлмайди ўз-ўзимизни.
Унута олмасак бир-биримиз лек,
Кўз ёшдан покламай бу кўзимизни.

Ногаҳон айрилдик ёрти-ёртига,
Бирга бўлолмаймиз энди биласан.
Бахтли кунларимиз қайтмас ортига,
Менсиз йиғлар ёлғиз қалбинг тиласан.

Азоб чекишимиз билсак-да аммо
Интизор юракнинг эшитмай оҳин.
Нега лозим топдик қолмоқни танҳо,
Синдирдик севгимиз дарахтин шохин.

Жон чекканимизда севгимиз учун,

Юз кўришмас бўлиб қайрилмасмидик.
Интилмаёй чекиндик оҳ, ахир нечун,
Ёниб-ёниб севсак айрилмасмидик.

КЎНГИЛ ДОҒИ

Хазонларга тўлди дилимнинг доғи,
Қалбимни тарк этди шодлик чироғи.
Юракни қийнайди абадул-абад,
Айрилиқдан қолган бу кўнгил доғи.

АЛВИДО

Юрагимни ёриб кирган паризод,
Кетмагин деб йиглаб қилдим илтижо.
Сенсиз ахир бир кун бўлолмасман шод,
Айтолмасман сенга асло алвидо.

Дилим истаб тўймай сени суйдирди,
Телбалар бўламан бўлсам гар жудо.
Юрак қистаб куймай мени куйдирди,
Айтолмасман сенга асло алвидо.

Муҳаббат исмингни дилга ўйдирган,
Кўрмасам юракдан чиқади садо.
Ўзингсан меҳрингга мени тўйдирган,
Айтолмасман сенга асло алвидо.

Унутайин десам сеҳрлар тортар,
Ишқнинг кўчасида бўлдимку гадо.
Ҳар кун сенга бўлган меҳрлар ортар,
Айтолмасман сенга асло алвидо.

ШЕЪРИМ

Қалбимдаги армоним шеърим,
Сени ёзсам кетади гамим.
Дардларимга дармоним шеърим,
Ёритувчи дилимни шамим.

БАЙРОҒИМ

Ўзбегим байроғи турар ҳилпираб,
Жонажон ватаннинг кўкси, қалқони.
Кўк ранг мусаффордир – унинг осмони,
Сени кўтаргайдир юртим султони.

Оқ рангида берар поклик нишони,
Қизил ранг жўш урган томирда қони.
Мағрур халқи учун қўлида жони,
Сени кўтаргайдир алпдек ўғлони.

Яшил ранг табиат ҳуснин билдирар,
Гуллаган тенгсиз гўзал макони.
Доим сергак турган жасур аскари,
Сени кўтаргайдир мард паҳлавони.

Чарогон юлдузлар ёнар қошингда,
Чиройинг очади юлдузлар сони.
Ой нурин сочади кулиб бошингда,
Фахр билан сени кўтаргай байроқ.

БАҲОР

Биз эдикку фаслингга хумор,
Келдингми сен дилни яйратиб.
Кутган эдик сени интизор,
Қалдиргочни хушвақт сайратиб.

Шеърлар бўлди қалбдаги шарор,
Дарахтлар гулларга ботиб.
Қалблар қувнар ифоринг тотиб,
Соғинганда келдингми, баҳор.

Севишимни сени эй, фасл,
Меҳрларим этайин изҳор.
Сўзламоққа ожиз бўлди тил,
Зор кутгандик келдингми, баҳор.

Гўзаллигинг ақлни олиб,
Хушбўйликни элга таратиб.
Юракларга қувончлар солиб,
Чиройингга бизни қаратиб.

Ўчмас бўлиб кўнгилда қолиб,
Табиатнинг ҳуснин яратиб.
Барчамизни куттириб сен зор,
Соғинганим келдингми, баҳор.

ВАТАНИМ

Ўтимлари дoston бўлган элларга,
Улуғ номинг кўп жо бўлган тилларга.
Оринг баланд, меҳринг бойлай дилларга,
Яғонасан, жаҳон ичра Ватаним.

Ватан дея юрак ёнди, ўт бўлди,
Сенга бўлган қалбда тилагим тўлди.
Бошинг узра бугун қуёш ҳам кулди,
Бир донасан, олам ичра Ватаним.

Мард ўғлони душман билан олишган,
Ҳатто тилсиз қушлар билан келишган.
Жон чекканлар Ватан учун суришган,
Мардонасан, юртлар ичра Ватаним.

Қанча йиллар халқим ситам чекдинг сен,
Темурийлар тинчлик учун курашиб.
Адолат уруғин дилга экдинг сен,
Ёвларни титратган ўзбек бирашиб.

Тўмарис шер бўлиб қўшинлар тузган,
Аёл боши билан жанглари кезган.
Душманнинг қадамин олидан сезган,
Кошонасан, мардлар тўла Ватаним.

Фидойилар сенга жонин беришган,
Озодлик йўлида тинмай ёниб тан.
Обод юртим озодликка эришган,
Тарихда биттасан мустақил Ватан.

ГЕРБИМСАН

Гул қоматин керган хумо қуш,
Қуёш бағрин берган хумо қуш.
Осмон бўйлаб учган само қуш,
Ўзбекистон рамзи – гербимсан.

Ўнг томонида пахта очилган,
Чап томонида бугдой бошоғи.
Пешонангдан нурлар сочилган,
Ўзбекистон рамзи – гербимсан.

Қанотига байроқ ярашган,
Сенинг бошинг ойга туташган.
Ризқим бугдой, олтин, пахтаси,
Ўзбекистон рамзи – гербимсан.

Гул қоматин керган хумо қуш,
Қуёш бағрин берган хумо қуш.
Осмон бўйлаб учган само қуш,
Ўзбекистон рамзи – гербимсан.

ГУЛИМ

Гулбогимда ўсган гулимни
Бир бор суйиб қўлга олмадим.
Туб-тубини ейди дилимни,
Жоним, сени асрай олмадим.

Ойлар ўтди, қанча йил ўтди,
Теккизмасдан унга қўлимни.
Очилганда ўзгалар тутди,
Бевафолар тўсди йўлимни.

Менинг гулим, қайга кетяпсан,
Сенга қаттиқ меҳрим тушганда.
Ошигингни телба этипсан,
Ишқ ўтини ёндириб танда.

Нозик ниҳол ёшсан дедим мен,
Ишонибман ёлгон сўзларга.
Мана энди дилни едим мен,
Асир бўлиб жоду кўзларга.

ДАДАЖОНИМНИ ЭСЛАБ

Шеър ёзаман юрак тўла дард, алам,
Ёлғиз сирдошимдир қогоз ва қалам.
Айрилиқ азоби қалбга солди гам,
Жудо бўлдим сиздан, суянчим дадам.

Кўнглим ярим бўлиб қолди ўша чоғ,
Мен учун эдингиз суянгали тоғ.
Келолмайсиз энди очсамда қучоқ,
Юрагимда пайдо бўлди ўчмас доғ.

Ҳаётдан кўз юмиб кетдингиз дада,
Яхши кун кўролмай ёлгон дунёда.
Согиниб йиғлайман бўлиб безовта,
Энди сиз яшайсиз қалбим тўрида.

Шодон кунлар қолди афсус, фироқда,
Қувончлар ўрнини эгаллади гам.
Кўролмайман бир бор – дадам йироқда,
Кўзёшдан аримас қароғларим нам.

Қувонч, кулгу мендан жуда узоқда,
Юрак йиғлар доим сизни ўйласам.
Расмингиз бағримга босганим билан,
Нетай, меҳрибоним қучиб тўймасам.

Тақдир қийноқларинг оқлаб бўлмайди,
Қайгуларни дилда сақлаб бўлмайди.
Инсон ўлар, аммо қайғу ўлмайди,
Юзим кулар сохта, қувнаб кулмайди.

Қабрингиз устида кўйганимча бош,
Хижронни айрога беролмай бардош.
Ўксиб зор йиглайман кўзларимда ёш,
Ох, ҳаёт бўлмаса бунча бағритош.

Ҳеч тинч туролмайман ичимда армон,
Дилимни тиглайди, қийнайди ҳар он.
Кўнглим тўлмас излар дардимга дармон,
Бир кўришга сизни зорман, дадажон.

Юрагим ёнмоқда, ёнимда сурат,
Кутула олмай қолдим хаёлотдан.
Унутишга ҳеч ҳам етмайди журъат,
Илоҳим жойингиз бўлсин жаннатда.

ДАРДИМ НОЛАСИ

Хижрон ўти янчи бу кун дил чокини,
Қуршовида қолдим соғинч фироқини.
Найлай кўтаролмам бундай ғам юкини,
Дўстлар, кимга айтай дардим ноласини.

Дилни майиб қилди, ишқ мубтало қилди,
Ҳайхот қалбга кириб, сўнгра яралади.
Фарёд мохитобонимдан ул айирди,
Аввал севдирди-ю сўнгра қоралади.

Қалбдаги туйгуларни баён айлайин,
Мен севганим эди мисли ой боласи,
Зухролардан ажралиб турарди тайин,
Ул эди боғларнинг якка гул-лоласи.

Хумор-хумор боқди-ю кўзлар алдади,
Севдим дея ёқди-ю сўзлар алдади.
Бу кун хиёнати жонни минг ўртади,
Бўйнимга дор этди сочин толасини.

Ақли оларди, хусни товланарди,
Лаби гунча, кўзида юлдуз порларди.
Юзи кундек нур берар, юрак ёнарди,
Маҳлиё айлаб олдига ул чорларди.

Дўстлар, нетай армон, ўкинчлар қийнайди,
Кўздан қонли ёшлар оқар ҳеч тинмайди.
Ҳеч бир кимса дардга дармон бўлолмайди,
Дўстлар, ёздим оққа дардим ноласини.

ДИЁРИМ

Диёрим, бошгинанг хўкларга етсин,
Ватаним, хамиша кўтаргин қадинг.
Фарзандларинг доим ардоқлаб юрсин,
Сени кўзга суртиб билсинлар қадринг.

Бир ҳовуч тупрогинг бермай ўзгага,
Асрайлик, ягона маскан сен ўзинг.
Бебаҳо ерларинг, олтин конларинг,
Қуёш нурларидан яшнайди юзинг.

Бу диёрдан чиққан Темур ўғлонлар,
Юртига фидойи содиқ посбонлар.
Тарихингга ёзган кўплаб дostonлар,
Алишердек шоир, илму султонлар.

Аждодларим юрган йўлдан юрайин,
Бизларга табаррук босган изи бор.
Тошдан гиёҳ унган гўзал тоғларинг,
Боғларинг дил очар жаннат ҳиди бор.

ИЖОДНИ МЕН СЕВИБ ЯШАЙМАН

Хаёлларда орзулар турли,
Туйгулардан ўртанади тан.
Мен учун бу дамлар сурурли,
Ижодни мен севиб яшайман.

Юрагимда гамлар тугунча,
Шеърлар билан очилур гунча.
Гўзал ҳаёт тамом бўлгунча,
Ижодни мен севиб яшайман.

Кўздан ёшлар оққанида сим,
Дардларимга дармон бўласан.
Сенинг билан гўзал ҳаётим,
Ижодни мен севиб яшайман.

ҚАЙДАСАН

Гул боғимда битган гул сўлиб бўлди,
Ғам, қайғуга лим-лим дил тўлиб бўлди.
Азим, ҳижронингдан бил, ўлиб бўлди,
Етолмаган тенгсиз ёрим, қайдасан.

Ғамнинг кўчасида дилгинам қолди,
Исминг такрорлашдан тилгинам толди.
Шу жудолик қалбга бугун ўт солди,
Юрак йиғлар унсиз, ёрим, қайдасан.

Мухаббат куйлари айродан зорлар,
Қайғуининг юлдузи қалбимда порлар.
Хазон тўқди севгим бўлиб чинорлар,
Яшолмайман сенсиз, ёрим, қайдасан.

Бахт қуши деб қайғу қушин тутибман,
Ёлғизликда доим сени кутибман.
Сенсизликдан олов бўлиб ёнди тан,
Мени хароб этган ёрим, қайдасан.

Исминг қўшилади ҳар бир шеъримга,
Юрак ёнар, тайёр бўлдим ўлимга.
Қайдан сени севдим гўзал, шўримга,
Қайтмас бўлиб кетган ёрим, қайдасан.

ҚУМҚЎРҒОН

Аввал мурғак гўдак эдим – болажон.
Болалигим сенда ўтди жонажон.
Бағрингда улғайдим, ўсдим онажон,
Кўз очиб кўрганим бўлдинг, Қумқўрғон.

Кўчангдан ўтганда ҳар бир инсоннинг
Қўллари кўксида саломин кўрдим.
Тилларида болдир давоси жоннинг,
Тошларни эритган каломин кўрдим.

Ишбилармон халқинг тинмай чопарлар,
Меҳнатдан чарчамас куйдирганча жон.
Тумани яшнаса таскин топарлар,
Сенга қайғуларлар гувоҳи бўлдим.

Аввал мурғак гўдак эдим – болажон.
Болалигим сенда ўтди жонажон.
Бағрингда улғайдим, ўсдим онажон,
Кўз очиб кўрганим бўлдинг, Қумқўрғон.

МАСКАНИМ

Узоқлашсам юрт сендан бир пас,
Кўз олдимда дунё бир қафас.
Юрак йиғлар тинмас басма-бас,
Согинаман, азиз масканим.

Дарахт бўлсанг баргингман сенинг,
Улгайдим мен, ўсдим танангда.
Меҳр топдим иссиқ бағрингда,
Сен онасан, мен бир болангда.

Фарзанд бўлиб бурчимни оқлай,
Ўғитларинг дилимда сақлай.
Хизмат қилай, сени эъзозлай,
Йироқ кетиб қадрингни билдим.

Узоқлашсам юрт сендан бир пас,
Кўз олдимда дунё бир қафас.
Юрак йиғлар тинмас басма-бас,
Согинаман, азиз масканим.

АЙРИЛИҚ – ЎЛИМ

Баъзан ўз-ўзимдан ўйлаб қоламан,
Танҳо яралганми сендек маҳлиқо.
Таърифингга сўзлар топмай толаман,
Худодан сўрайман қилмасин жудо.

Бир кун узоқ кетсанг мендан, азизам,
Чексиз соғинчларинг қилмасми адо.
Бирдам кўрмасам гар эзиб қўяр гам,
Жўш урган муҳаббат қилади нидо.

Сен билан учрашган боғни оралаб,
Эслайман кўрганда гўзал гулларни.
Терардим гул сенга дея саралаб,
Ўпаман сен қадам босган йўлларни.

Пок севгим ҳурмати мендан кетмагин,
Савдойи демагин айтганларим рост.
Ишондим севгингга сароб этмагин,
Кўнгилда ҳаяжон, кучли эҳтирос.

Айтгин, не қилайин сенсиз, ҳаётим,
Нафасим сиқилар безовта дилим.
Бағримда ёқмагин аламлاردан чўғ,
Ахир яшолмайман, айрилиқ – ўлим.

НАРГИЗАМ

Кўкда бир юлдуз бор – нурлар сочар у,
Қалбим ором олар, дилни очар у.
Юракни ўғирлар, сўнгра қочар у,
Кетмагин бир бора, менинг Наргизам.

Уни кўрганимда ҳаёт яшнайти,
Кўкдаги илк чиққан ойга ўхшайди.
Қани энди менинг ёрим бўлсайди,
Бўлгин менга ёр, менинг Наргизам.

Наргизам, юзингни кўрсат бир бора,
Висолинг кўрмоққа бўлдимку зора.
Согинчдан йиғлайди юрагим пора,
Қилдинг-ку бечора, менинг Наргизам.

Кўкда бир юлдуз бор сочади нурлар,
Хуснининг олдида бош эгар ҳурлар.
Уялар ҳаттоки бошқа юлдузлар,
Гўзалсан бир дона, менинг Наргизам.

ОШИҚ ЮРАК

Муҳаббат дардлари бунчалар азоб,
Тайёр бўлар инсон ҳатто ўлимга.
Бевафони севиб бўлдим мен хароб,
Туним бедор ўтар исминг такрорлаб.
Алдадинг, севгимни қилдинг сен сароб,
Наҳот ҳеч тушмас йўлинг йўлимга.
Мен сени деб чекдим қанча изтироб,
Жоним, ачинмайсан нега ҳолимга.
Мен учун катта бахт гўзалнинг меҳри,
Оллоҳим, бу онлар насиб этсайди.
Адо қилаяпти севгининг сеҳри,
Юрагим зорлари сенга етсайди.
Қалбимда қандайдир туйғу туради,
Соғинчлар қўймайди, қийноқда қолдим.
Чидолмасдан юрак дук-дук уради,
Сени севиб қалбни азобга солдим.
Дилим ёлғизликдан тинмас ловуллаб,
Бир зум унутолмай бўлдимку ҳалак.
Йўқлигингдан вужуд ёнар ловуллаб,
Дардим эшитар ёлғиз бир фалак.
Хаёлда қўлларинг юзимни силаб,
Фақат гўзал сендан бир меҳринг керак.
Ёнимда йўқлигинг бағрим куйдирар,
Нетайин, қўймаса тинч ошиқ юрак.

ОДАМЛАР

Бугун ғамнинг кечасидаман,
Дўстларим ҳам бир менга чапдир.
Ғийбатчилар кўчасидаман,
Одамларнинг оғзида гапдир.

Билолмайман айбим недур,
Нелигини айтинг, одамлар.
Гапни ҳазм қилолмайман мен,
Ҳар инсонда бўлади камлар.

Ғам чекканлар кулгими ёки
Адо бўлмас дунёда ғамлар.
Бошида бор ўлгунча токи,
Қуруқ қолмас ҳар бир инсонлар.

Майли, кулинг устимдан сизлар,
Гуноҳ бўлса мендан тўкилар.
Доим шуни лек билингизлар,
Ғийбат қилган бир кун йиқилар.

Ёлгон дунё ўроғи бордир,
Бир ўриб кетади бизни.
Чин дунёнинг сўроғи бордир,
Доим кутиб туради бизни.

ОНАЖОНЛАР

Олтиндан қимматдир ҳар бир сўзингиз,
Кўзимга суртайин босган изингиз.
Меҳрдан чақнайди гул-гул юзингиз,
Сизлар бор – ҳаёт ҳам маъноли бизга.

Онажонларим, дил қувончи сизлар,
Ғамда қолсак қалбнинг суянчи сизлар.
Йиқилса фарзанд гар таянчи сизлар,
Сизлар бор – ҳаёт ҳам маъноли бизга.

Сизлар бор – тотлидир гўзал бу дунё,
Ҳатто бизга ростдир ўткинчи рўё.
Уйимизни тўлдирган фаришта гўё,
Сизлар бор – ҳаёт ҳам маъноли бизга.

Ҳар киши келар дунёнинг тошганда,
Дўст чиқар кулдирар чиқмас уйингдан.
Йиқилсанг, бошингдан кулфат ошганда,
Ҳеч кимса турмайди ўзга онангдан.

Ёнингда турмайди ҳатто кардошинг,
Бир зот фақат сенинг артар кўз ёшинг.
Суянчинг биттадир, сенинг қуёшинг,
Қўшилиб йиглайди ёлғиз бир онанг.

Қани ўша дўстлар бир пас туролмас,
Умрингни, бахтингни тилар у доим.
Мингта дўст, ёр битта онанг бўлолмас,
Сизлар бор – ҳаёт ҳам маъноли бизга.

Бу ҳаёт йўлидан кетсам мен безиб,
Дардлар чексам билар кўзимдан сезиб.
Сиздек дўст топмадим дунёни кезиб,
Сизлар бор – ҳаёт ҳам маъноли бизга.

ОНАМСАН, ВАТАН

Сенда тугилдим мен тогдек фахрим бор,
Онадек азизсан, сенсан хокисор.
Фарзандек эркалаб улгайтган диёр,
Энди мен асраин, онам деб билай.

Бошингда юлдузинг чарақлаб турсин.
Сени кўролмаслар хазондек сўлсин.
Муқаддас маконим, саждалар қилгум,
Оллоҳдан ҳамиша бахтингни тилай.

Сендан ўзга менга паноҳ керакмас,
Ватанни севмаган юрак юракмас.
Соғинаман йироқ кетсам бир нафас,
Жоним фидо бўлсин, багрингда қолай.

Кўшнига хиёнат қилса ким агар,
Охират кунида албат сўроқлар.
Ўз ватанин сотган нолок кимсалар,
Дўзахийдир улар ўзни билсалар.

Ватанга содиқлик инсонга хосдир,
Мард, жасурлик билгил йиғитга мосдир.
Бойликка алданма ҳирсу ҳавасдир,
Тупрогингни ўпиб тавофлар қилай.

ТАШЛАБ КЕТДИНГИЗ

Орзуйим бир зумда қилдингизку чил,
Севаман жондан деб юрар эдингиз.
Унутдим дедингиз ҳайрон бўлди дил,
Нега ёлғизликда ташлаб кетдингиз.

Борар эди кўнглим кундан-да яшнаб,
Сабаби не бўлди лек айтмадингиз.
Қолурсиз юракда бир умр яшаб,
Нега ёлғизликда ташлаб кетдингиз.

Сизни кўрмоқликка кўзларим муштоқ,
Наҳот мендан кейин бахтга етдингиз.
Тополмадингиз-ку мендан яхшироқ,
Нега ёлғизликда ташлаб кетдингиз.

СОҒИНЧ

Бир кун сени соғиндим жим,
Фалакларга дардимни айтдим.
Юрагимга йўқ бўлди тиним,
Айрилиқдан йиғлади юм-юм.

Бир кун сени соғиндим жим,
Тунлар бедор қадрингни билдим.
Сенсиз ўтмай қолди-ку куним,
Армонлардан қалбимни тилдим.

ОҲУ

Нигоҳинг оловдир, кўзларинг жоду,
Мени мафтун этган сўзларинг жоду.
Ишқинг шароби деб ичирдинг оғу,
Мени ташлаб кетдинг қайларга оҳу.

Севдим мен, васлингнинг хумори бўлдим,
Сен кетдинг ўзганинг остонасига.
Хиёнатингдан мен минг бора ўлдим,
Раҳм қилмай ишқинг мастонасига.

Не сабабдан гулим, қилдинг хиёнат,
Севардик Фарҳод ва Шириндек ёниб.
Қайда қолди энди ўтли муҳаббат,
Майлиди ўлсам ҳам васлингга қониб.

Бахтинг тилайману кўксимда бир тош,
Севаман ҳаттоки ақлимдан тониб.
Қўлимда суратинг, юрагим оташ,
Соғинчдан йиғлайди жоним ўртаниб.

Минг фарёд этарман юрак қилар дод,
Оҳларим эшитиб толмас бу дунё.
Бугун Ширинидан айрилди Фарҳод,
Бундан кўра жоним олмасму дунё.

Нигоҳинг оловдир, кўзларинг жоду,
Мени мафтун этган сўзларинг жоду.
Ишқинг шароби деб ичирдинг оғу,
Мени ташлаб кетдинг қайларга оҳу.

СОҒИНИБ

Ёлғиз қолсам аламим ютиб,
Қўлларимга қаламим тутиб.
Шеърларимни номингга битиб,
Зор йиглайман сени соғиниб.

Тунлари мен тўлғониб нотинч,
Уйғонаман қалбимда ўтинч.
Шеърим фақат бўлади овунч,
Зор йиглайман сени соғиниб.

Дардларимга тополмай юпанч,
Огритади дилимни аянч.
Армон, согинч жонга ганж,
Зор йиглайман сени соғиниб.

Жудо қилди нетай бу ҳаёт,
Кўролмайман юзингни наҳот.
Ҳар кун сени ўйлайман фақат,
Зор йиглайман сени соғиниб.

Кундан-кунга бу ишқим ошиб,
Суратингни кўксимга босиб.
Кўзларимдан ёшларим тошиб,
Зор йиглайман сени соғиниб.

СЕВГИЛИМ

Юлдузли кўзларинг порлаганда мен,
Сенга бўлган ишқим тобора ортар.
Ҳар дамда юрагим чорлаганда мен,
Вужудим бўйсунмай сен томон тортар.

Соғинчдан ошиқ дил зорлаганда мен,
Кутарман, кутарман кўзларим излар.
Зор йиглаб йўлингда бечораҳолман,
Йиғлайди, алданган муҳаббат йиғлар.

Севгилим, оҳ армон бўлган сеvgилим,
Сен ўзга бағрида тўлган сеvgилим.
Бугун ҳижроннинг кўчасидаман,
Кўзига қонли ёш тўлган сеvgилим.

Йиғлама, кўзингни ёшлама бугун,
Саробга айланди тилагим бугун.
Жисмимни оловга ташлама бугун,
Шундоқ ҳам ёняпти юрагим бу кун.

Бугун менинг осмонимда тош ёғди,
Қора булут ўрайди ҳар томоним.
Айрилиқ ўтида куйди-ку таним,
Нигоҳинг эсласам огрийди жоним.

СЕВГИМГА ИШОН

Сени севиб қолдим бегумон,
Севги бўлди қалбимга меҳмон.
Шундан бери хаёл паришон,
Оҳ; Назирам, севгимга ишон.

Шу муҳаббат дилга қадрдон,
Унут бўлмас юзларинг жонон.
Фақат сени ўйлайман ҳар он,
Оҳ, Назирам, севгимга ишон.

Хаёлимда юрасан доим,
Бу хаёллар бунча бепоён.
Куз олдимда турасан доим,
Оҳ, Назирам севгимга ишон.

Согинч дилга олов салади,
Висол сари талпинади жон.
Гўзаллигинг ақлим олади,
Оҳ, Назирам, севгимга ишон.

ДИЛ ЗОРИ

Ҳаётимнинг мазмуни дердим,
Синовлардан ўтолмадимми.
Назирамни кимларга бердим,
Ё қадрига етолмадимми.

Шафқатсизми ёки бу ҳаёт,
Ёки шуми тақдирда бори.
Кўнай десам тинчлик бермайди
Кўз олдимда фариштам зори

Нахот энди қайтиб келмайди,
Севар ёрим дил мадақори.
Қайда қолди бахтли кунларим,
Мен севганим оҳ кимнинг ёри.

СЕНИ ЎЙЛАСАМ

Кўнглимда бир чироқ ёнади,
Ёр ишқингдан куйиб сўйласам.
Севгим кучли, ақлим шошади,
Висол истаб сени ўйласам.

Ўйлайвериб қийналар жоним,
Армонлардан қўшиқ куйласам.
Кетармикин дилдан армоним,
Дилим ором топар найласам.

Ёлғизликдан сиқилиб толиб,
Расминг кўриб бир пас тўймасам.
Азоблардан йиқилиб қолиб,
Юрагимни эзиб қўймасам.

Хаёлларим ичра йўқолиб,
Бугун гамлар билан бўйласам.
Қайга кетдинг азобга солиб,
Вужуд титрар сени ўйласам.

Мажнундайин суйдирдинг мени,
Толиб бер деб юрак урар зор.
Лайлим, кетиб куйдирдинг мени,
Кўролмайман висолингни ёр.

Ёнгинангга қистайверади,
Соғинганда тинч қўймас бир дам.
Ўшал дамни истайверади,
Йиглаб-йиглаб сени ўйласам.

СОҒИНДИМ

Қалбгинамда бор бир ўтинчим,
Кеча-кундуз йўқолди тинчим.
Юрагимга сигмай соғинчим,
Оташ бўлиб сени соғиндим.

Эшитолмай ширин сўзларинг,
Расминг кўриб бир пас овундим.
Кўролмайин қаро кўзларинг,
Олов бўлиб сени соғиндим.

Муштоқ бўлиб кутдим нечалар,
Сен ҳақингда ўйлаб ҳар кун жим.
Бевафосан жоним бунчалар,
Олов бўлиб сени соғиндим.

Севаман мен сени қанчалар,
Бир кун кўрмай қолсам, ҳаётим.
Соғинчларим дилга ўт солар,
Олов бўлиб сени соғиндим.

Ошиқ қалбим ҳижронда қолар,
Сени ҳар кун келади кўргим.
Юрагим ҳам қилар ноалар,
Олов бўлиб сени соғиндим.

Кўзимдан ёш оқар доналар,
Нидо бергин бир бор гўзалим.
Соғинчлардан ёнди таналар,
Олов бўлиб сени соғиндим.

ТАБИАТ

Оҳиста тонг отар сочиб ифорин,
Табиат атридан сармаст капалак.
Гулдан гулга қўниб, қоқиб қанотин,
Чумчуқлар чугурлаб эрта уйғотар.

Оламга нур сочиб чиқади қуёш,
Дарёлар юзига тушади шуъла.
Мафтункор булутлар эгадилар бош,
Сойлар ҳам шарқираб айтар ашула.

Кўнгилни яшнатар муаттар гуллар,
Япроғида шабнам ҳуснин очади.
Дарахтларни шамол эркалаб кулар,
Бу гўзал манзара сеҳрин сочади.

Ўғирлайди дилни боғлар чиройи,
Қалбларда порлайди сенга муҳаббат.
Сен билан гўзалдир дунё саройи,
Чунки яшаш гўзал, гўзал табиат.

ЎЗБЕГИМ

Дунё бўйлаб номи таралган,
Тупрогидан олтин яралган.
Элда ҳавас билан қаралган,
Хаақин меҳрин олган, ўзбегим.

Хизматида белин бойлаган,
Садоқатин дилга жойлаган.
Улугликка сени сайлаган,
Худо назар солган, ўзбегим.

Тошларидан гиёҳлар унган,
Она ерин табаррук билган.
Тоғларида бобом туғилган,
Аждодлардан қолган, ўзбегим.

Юртим бўлай кўксингга тумор,
Ўғлингман мен меҳрингга хумор.
Алпомишнинг руҳи мададкор,
Ватан қадрин билган, ўзбегим.

Жанглар кезиб сен фиғон ютиб,
Оринг учун сен қилич тутиб.
Тупрогингни кўзига суртиб,
Тўтиёлар қилган, ўзбегим.

ЎЛКАМ

Кўкси қуёш теккан макон, ҳур ўлкам,
Тупроғи товланган ял-ял, дур ўлкам.
Тоғлари гўзалдир боғлари кўркам,
Яшнаган обод бир диёрдир, ўлкам.

Довругинг билдилар жаҳон эллари,
Номингни эшитиб лолдир тиллари.
Қуёш ҳам талпинди юртим сен сари,
Сен бўлдинг қалбларнинг тенгсиз гавҳари.

Сенинг осмонингда эркин юлдузлар,
Минг шукур дейманки сенда тугилдим.
Осуда ватаним кеча-кундузлар,
Яшнаган обод бир диёрдир, ўлкам.

Кўкси қуёш теккан макон, ҳур ўлкам,
Тупроғи товланган ял-ял, дур ўлкам.
Тоғлари гўзалдир боғлари кўркам,
Яшнаган обод бир диёрдир, ўлкам.

УСТОЗИМ

Меҳр нурларидан юзингиз зиё,
Сийму зар бизларга сўзингиз гўё.
Насиҳатни айлаб кўзга тўтиё,
Илк бор менга таълим берган устозим.

Ёмон йўлдан доим йироқ айлаган,
Билимдон қилмоқни фикр ўйлаган.
Тинмай илму фандан бироқ сўйлаган,
Қадрдоним, қалби тоза устозим.

Кимдир устозни ҳурмат қилолмас,
Кимлар қадрин билар кимдир билолмас.
Асли устоз отангдай улуг зот эрур,
У сенга дунёнинг бойлигин берур.

Кимдир савол берса айтгин-чи Азим,
Билим ўргатган азиз инсон ким.
Ҳурмат-эҳтиром ила айлайман таъзим,
Зулуҳуморхон – меҳри дарё устозим.

Шеърларим эритсин қалбларни ўйиб,
Чин диадан шеър битдим номингиз қўйиб.
Эшитинг шарҳларин дилларга туйиб,
Сайёрахон – меҳри дарё устозим.

ҲЕЧ ҚАЧОН ЭГИЛМАС ЎЗБЕКНИНГ БОШИ

Ҳеч қачон эгилмас ўзбекнинг боши,
Бир ўлка бор кулиб турар қуёши,
Йигитлари тоғдай келар бардоши.
Халқин учун жонин берар Юртбоши,

Ҳеч қачон эгилмас ўзбекнинг боши,
Ҳазрати Улугбек, Султон кучи бор,
Имом Бухорийнинг юрти диёри.
Ёвга тик келган ўғлонлари нор,

Ҳеч қачон эгилмас ўзбекнинг боши,
Тилларда қадрдон бўлди каломи,
Бўлиб ўтди Темур элларнинг кори.
Ёвларни титратган бобоқалони,

Кўлайсин ҳамиша мардларнинг сони,
Юртимнинг абадий кулсин қуёши.
Тарихларда мангу қолади номи,
Ҳеч қачон эгилмас ўзбекнинг боши.

Азим юртим дея шеърларин битди,
Юртга фидо бўлсин шоирнинг жони.
Юртга фидо бўлиб қолса ҳам тани,
Ҳеч қачон эгилмас ўзбекнинг боши.

ЭТАСАН НОЗЛАР

Ўраб олар соғинч, қилар беқарор,
Вужудим куйдирар ишқ учқуни бор.
Энтикиб бағрингга таллинарман зор,
Сен эса бепарво этасан нозлар.

Сен томон тортади бўйсунмас ҳислар,
Кўнгилни эгаллар учқур туйғулар.
Хаёл гирдобига тортар бепоён,
Фақат сен ҳақингда гўзал орзулар.

Жамолинг ой каби берар нур, зиё,
Кўзларим қамашар боқсанг сен қиё.
Ақлим ҳам шошади қараб ошиқ ҳол,
Қоматинг олдида бўлиб маҳлиё.

Ўраб олар соғинч қилар беқарор,
Вужудим куйдирар ишқ учқуни бор.
Энтикиб бағрингга таллинарман зор,
Сен эса бепарво этасан нозлар.

ЮРАГИМ СИРИ

Сени унутмоқни бир зум ўйлайман,
Ўзимни чалгитиб овуниб ишга.
Бир кун унутамаман яна ўйлайман,
Тунлари бедорман, кирасан тушга.

Юракда ёнади ишқнинг чироги,
Соғиниб исмингни айтади такрор.
Вужудим эгаллар соғинч титроги,
Ёшларга тўлади кўзим қароги.

Юрагим уриши севишим фošлар,
Кўролмамай кўзимдан оқади ёшлар.
Ўзимга бўйсунмай қолади юрак,
Ишқнинг сеҳри мени ёнига бошлар.

Мени ташлаб кетдинг бахтли чоғимда,
Қуримайди намлар кўз қарогимда.
Хазон тўқди гулим себги боғимда,
Армоннинг доғлари қолди доғимда.

Қайгуларга тўлди дилим асири,
Ичдаги дардаларим мисралар бўлди.
Ёлгон муҳаббатнинг бўлиб асири,
Қоғозга ёзилди юрагим сири.

ИШҚИНГДА ГҶЗАЛ

Ғамларимни дилдан ўчирдинг,
Қайгуларим қалбдан кўчирдинг.
Ишқ шаробин менга ичирдинг,
Шайдо қилдинг ишқингда гўзал.

Бир гул каби умид очилди,
Юзларингдан нурлар сочилди.
Бугун бизга муҳаббат кулди,
Шайдо қилдинг ишқингда гўзал.

Бир кўрдиму ақлимни олдинг,
Согинчлардан қалбга ўт солдинг.
Ўчмас бўлиб юракда қолдинг,
Шайдо қилдинг ишқингда гўзал.

Мундарижа

Илк қадам.....	3
Армон бўлган севги	4
Ҳаёт синовли.....	5
Обод юрт	6
Жондан азиз юртим.....	7
Армонли севги.....	8
Муҳаббат гулшани.....	13
Севдим мен танҳо.....	14
Дунё.....	15
Юртим, меҳрингга қонай	15
Дил сўзи	17
Дўст	18
Сурхон қизи	18
Ҳаёл	19
Дўст айладим қаламни.....	19
Айрилмасмидик	20
Кўнгила доғи.....	21
Алвидо	21
Шеърим	22
Байрогим.....	22
Баҳор.....	23
Ватаним	24
Гербимсан	25
Гулим	26
Дадажонимни эслаб.....	27
Дардим ноласи.....	28
Диёрим	29
Ижодни мен севиб яшайман.....	30
Қайдасан	30
Қумқўрғон	31

Масканим.....	32
Айрилиқ – ўлим.....	33
Наргизам.....	34
Ошиқ юрак.....	35
Одамлар.....	36
Онажонлар.....	37
Онамсан, Ватан.....	38
Ташлаб кетдингиз.....	39
Соғинч.....	39
Оху.....	40
Соғиниб.....	41
Севгимим.....	42
Севгимга ишон.....	43
Дил зори.....	44
Сени ўйласам.....	44
Соғиндим.....	45
Табиат.....	46
Ўзбегим.....	47
Ўлкам.....	48
Устозим.....	48
Ҳеч қачон эгилмас ўзбекнинг боши.....	49
Этасан нозлар.....	50
Юрагим сири.....	51
Ишқингда гўзал.....	52

Адабий-бадний нашр

Ислом Азимхон
СЕВГИ ФАСЛИ
Шеърлар

Мухаррир
Гавҳар Мирзаева

Бадний муҳаррир
Уйғун СОЛИҲОВ

Техник муҳаррир
Сурайё АҲМЕДОВА

Рассом
Муниса ЭРГАШЕВА

Компьютерда саҳифаловчи
Нозима ТУЙҒУНОВА

Босишга 13.01.2014 й.да рухсат этилди.
Бичими 84x108 1\32.Босма тобоғи 1,75.
Шартли босма тобоғи 2,94. Гарнитура «Арно Про».
Офсет қоғози. Адади 1000 нусха. Буюртма № 10.
Баҳоси келишилган нархда.

«Янги аср авлоди» НММда тайёрланди.
Лицензия рақами: А1 № 198. 2011 йил 28.08 да берилган.
«Ёшлар матбуоти» босмаҳонасида босилди.
100113. Тошкент. Чилонзор-8, Қатортол кўчаси, 60.

Мурожаат учун телефонлар:

Нашр бўлими – 278-36-89; Маркетинг бўлими – 128-78-43
факс – 273-00-14; e-mail: yangiasravlodi@mail.ru